



№ 6852-815f-e0ae-fe0d-fb20-9981-7056
Хужжат яратилинган сана: 2020-12-21
Ариза рақами: 25324542

Хужжат берилган: ОБЩЕСТВО С ОГРАНИЧЕННОЙ
ОТВЕТСТВЕННОСТЬЮ "NPTS MASSHTAB PROYEKT
STROY"
Қабул қилувчининг идентификация рақами: 307543624

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРИЛИШ ВАЗИРЛИГИ

Тошкент шаҳар Қурилиш бош бошқармаси

Лойиҳа-смета ҳужжатларини келишиш бўйича Архитектура ва шаҳарсозлик кенгаши ишчи
органининг

21.12.2020 даги 4460 -сонли

ХУЛОСАСИ

т/ р	Тақдим этиладиган маълумотлар	
1.	Ариза рақами:	25324542
2.	Мурожаат этувчи Лойиҳа ташкилотининг номи:	"NPTS MASSHTAB PROYEKT STROY" МЧЖ
3.	Лойиҳа-смета ҳужжатларининг буюртмачиси номи:	"MIX-MAX BIZNES LUX" МЧЖ
4.	Объект мазили:	Юнусобод тумани Чинобод кўчасида
5.	Лойиҳа-смета ҳужжатларининг номланиши:	Zonaviy ko'p qavatli turar joy binolari, maktabgacha ta'lim muassasi poliklinika binolari
6.	Архитектура-режалаштириш топшириғининг реквизитлари:	2250Т 04.09.2019

Лойиҳани кўриб чиқиш бўйича хулоса: Замонавий кўп қаватли турар жой бинолари, мактабгача таълим муассасаси, поликлиника бинолари қуриш эскиз лойиҳаси АРТ талабалари ва ШНК 2.07.01-03* меъёрлари асосида объектни кўчанинг қизил чизиғидан 6 метр ичкарига суриб жойлаштириш, қурилиш чизиғини ва мавжуд бинолари билан оралиқ масофалар сақлаш, аҳолини лойиҳа билан таништириш, розиликларини олиш, лойиҳада кўрсатилган кўп қаватли (ертўла қисмида икки қават) бўлган автотураргоҳ, болалар боғчаси, поликлиника биносини сақлаш ва Тошкент шаҳар Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси, Санитария эпидемиологик осойишталик маркази, Фавқулодда вазиятлар бошқармаси ҳулосалари талабларини бажарган ҳолда лойиҳа ишларини давом эттириш учун келишилди. Ирригация тармоқларини ҳам иноватга олиш тафсия этилади. Хулоса ўрнатилган тартибда меъёрий ҳужжатларга амал қилинган ҳолда лойиҳа ишларини давом эттириш ва расмийлаштириш учун берилди. Ушбу хулоса қурилиш ишларини олиб боришга асос бўлмаслигини ва хулоса талаблари бажарилмаган тақдирда ўз кучини йўқотишини билдирилади.;

АСОС:

Худудий ёнғинга қарши назорат хизмати: Келишилган;

Қўшимча маълумотлар: Юнусобод тумани фавқулодда вазиятлар бўлими Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 18 май кунидаги “Архитектура ва қурилиш соҳасида давлат хизматлари кўрсатишнинг айрим маъмурий регламентларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 370-сонли қарорининг 4-илоvasида Лойиҳа-смета ҳужжатларини келишиш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламентига асосан давлат хизматлари марказидан келиб тушган 25324542-сонли аризаси бўйича ўтказилган ўрганиш ҳулосаси 23/35-1965 “ 11 ” декабрь 2020 йил “MIX-MAX BIZNES LUX”МЧЖга Юнусобод тумани фавқулодда вазиятлар бўлими томонидан, “NPTS MASSHTAB PROYEKT STROY”МЧЖ лойиҳа ташкилоти томонидан Юнусобод тумани Чинобод кўчасида “замонавий кўп қаватли турар жой биноси, мактабгача таълим муассасаси, поликлиника бинолари”да қурилиш ишлари юзасидан ишлаб чиқилган дастлабки эскиз лойиҳаси хизмат ваколати доирасида ўрганиб чиқилиб, қўйидаги ёнғин хавфсизлигига қаратилган талабларни бажариш шарти билан қурилиш ишларига эътироз билдирилмайди, яъни - тавсия этилаётган ер участкасида бинони жойлаштириш архитектура-режалаштириш нуқтаи назаридан баҳолаш имконини берадиган эркин масштабдаги бош режаси тайёрланишини; - ШНҚ 2.07.01-03* “Шаҳарсозлик” ҳужжатининг 26*-бандига асосан, қўшни ҳудудларда мавжуд хонадон эгаларидан қурилиш ишларига қаршилик билдирмаслиги юзасидан ёзма равишда розилик хатларни олишни; - ШНҚ 2.08.01-05 “Турар жой бинолари” ҳужжатининг 5.9-бандига асосан, талабларига риоя этиш асосида қурилиш ишларини режалаштириш; - ШНҚ 2.07.01-03* “Шаҳарсозлик” ҳужжатнинг №1-илованинг (мажбурий) №1-жадвали ва 44-жадвали талабларига асосан ажратилаётган ҳудудда қурилиши мўлжалланган бино қўшни ҳудудларда мавжуд бўлган турар ва нотурар жой бинолари билан оралиқ масофаларни сақланишини; - ШНҚ 2.01.02-04 “Био ва иншоотларнинг ёнғин хавфсизлиги” ҳужжатининг 2-жадвалига кўра, бинонинг конструктив элементларнинг ёнғинга бардош бериш даражаси II-дан кам бўлмаслиги; - ШНҚ 2.07.01-03* “Шаҳарсозлик” ҳужжатнинг 1-илова 15*-банди талабларига тўлиқ риоя этиш асосида қурилиш ишларини режалаштириш; - ШНҚ 2.07.01-03* “Шаҳарсозлик” ҳужжатнинг 1-илова 15*-банди талабларига асосан қурилиши режалаштирилаётган бино атрофида ҳамда ушбу манзилдаги турар жой биноларига ўтиш учун махсус ва ёнғин ўчириш автомобиллари ҳаракатланишига энига камида 6 метрдан кам бўлмаган қаттиқ қопламали йўл қолдирилишини; - ҚМҚ 2.04.02-97 “Сув таъминоти. Ташқи тармоқлар ва иншоотлар” ҳужжатининг талабларига асосан ёнғин ўчириш мақсадлари учун ташқи сув тармоғидан ер ости ёнғинга қарши гидрантлар ўрнатилишини; - ёнғингарчилик сувларини бехатар кетиши бўйича объект ҳудудининг ирригация-дренаж тизими лойиҳасини ишлаб чиқилиши ва амалга оширилиши; - ажратилаётган ҳудудда режалаштирилаётган қурилиш ишларнинг бош тарҳи ҳамда ишчи лойиҳаси амалдаги меъёр ва андозаларга асосланган ҳолда ишлаб чиқилишини, сўнг мазкур ишчи лойиҳа ҳужжатлари ёнғин хавфсизлиги бўйича мажбурий экспертизадан ўтказилишини. Қурилиш ишлари режалаштирилган ҳудуди бўйича бош тарҳи ва ишчи лойиҳа ҳужжатлари ишлаб чиқилгандан сўнг, қурилиш ишлари бошланмасдан олдин ўрганиб чиқиш учун тақдим этилиши тавсия этилади. Ушбу ҳулосани амал қилиш муддати бир йил бўлиб, юқорида кўрсатилган тадбирлардан бири бажарилмаган тақдирда ўз кучини йўқотган ҳисобланади. Бўлим бошлиғи А.Э.Кенжакулов Ижрочи: Д.Т.Рахимов;

Худудий экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш органи: Келишилган;

Қўшимча маълумотлар: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 7 сентябрдаги “Давлат экологик экспертиза тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 541-сонли қонунчилик талабларига зид бўлган хатти ҳаракатларини амалга оширилган ҳолда эътироз билдирмайди.;

Худудий санитария-эпидемиология хизмати: Келишилган;

Қўшимча маълумотлар: СанҚвМ жавоб берган ҳолда рухсат берилади.;

Тошкент шаҳар Қурилиш бош бошқармаси бошлиғи: Н.К.Сағатов;
Бош архитектор: Н.К.Сағатов;

ЮНУСОБОД ТУМАНИ, ЧИНОБОД КЎЧАСИДА ЖОЙЛАШГАН "МТХ МАХ ВІЗНЕС ЦУХ" МЧЖ ГА ҚАРАШЛИ ХУДУДДА
ЗАМОНАВИЙ КЎП ҚАВАТЛИ ТУРАР-ЖОЙ БИНОЛАРИ, МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ,
ПОЛИКЛИНИКА БИНОЛАРИ ҚУРИШ ЭСКИЗ ЛОЙИХАСИ



NPIS MASSHAB PROYEKT STROY

ЮНУСОБОД ТУМАНИ, ЧИНОБОД КЎЧАСИДА ЖОЙЛАШГАН "МТХ МАХ ВІЗНЕС ЦУХ" МЧЖ ГА ҚАРАШЛИ ХУДУДДА
ЗАМОНАВИЙ КЎП ҚАВАТЛИ ТУРАР-ЖОЙ БИНОЛАРИ, МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ,
ПОЛИКЛИНИКА БИНОЛАРИ ҚУРИШ ЭСКИЗ ЛОЙИХАСИ

27



- Сызықтар**
1. Локализациядан кўп қаватли тураб жой биналари (1-Босқич)
 2. Локализациядан кўп қаватли тураб жой биналари (2-Босқич)
 3. Локализациядан кўп қаватли тураб жой биналари (3-Босқич)
 4. Локализациядан кўп қаватли тураб жой биналари (4-Босқич)
 5. 300 йилги эффи мемориал (2-Босқич)
 6. Локализациядан кўп қаватли тураб жой биналари (2-Босқич)
 7. Локализациядан кўп қаватли тураб жой биналари (2-Босқич)
 8. Махкамат маркази (2-Босқич)

SENT SHAHAR
YOSH BOSHQARMASI
LOHIMANI KETILISH

2020 YIL

12

2532454

САГАТОВ НУРИДДИН КОЗИМДЖАННОВИЧ

Мазкур ҳужжат Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 сентябрдаги 728-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали тўғрисидаги низомга мувофиқ шакллантирилган электрон ҳужжатнинг нусхаси ҳисобланади. Электрон ҳужжатнинг нусхасида кўрсатилган маълумотлар тўғрилигини текшириш учун gero.gov.uz веб-сайтига ўтинг ва электрон ҳужжатнинг ноёб рақамини киритинг ёки мобил телефон ёрдамида QR-кодни сканер қилинг. Диққат! Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 сентябрдаги 728-сон қарорига мувофиқ электрон ҳужжатлардаги маълумотлар қонуний ҳисобланади. Давлат органларига Ягона порталда шакллантирилган электрон ҳужжатларнинг нусхаларини қабул қилишни рад этишлари қатъиян тақиқланган.

7727

